

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСПОРТИНИ ТАРКИБИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ



Қодиржонов Адхамжон Мухторжон ўғли
Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси
Email: kadkhamjon@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар ва географик таркиби, унинг сўнгги йиллардаги кўрсаткичлари қиёсий таҳлили келтирилган, мавжуд ҳолат илмий-назарий жиҳатдан баҳоланган. Шунингдек, экспортни таркибий такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ташқи савдо, экспорт, диверсификация, ташқи савдо сальдоси, экспортнинг товар ва географик таркиби, ташқи савдонинг гравитация модели, кўлам самараси.

Abstracts. The article provides a comparative analysis of commodity-geographical structure of exports in the Republic of Uzbekistan, its indicators for the recent years. Also suggestions and offers for further structural improvement of the export were developed.

Key words: foreign trade, export, diversification, foreign trade balance, commodity-geographical structure of export, gravitational model of foreign trade, economies of scale.

Кириш

Мамлакатлар иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиши, замонавий глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда, кўп жиҳатдан унинг халқаро савдо муносабатларидаги иштирокига боғлиқ.

Ташқи савдони, айниқса, экспортни ривожлантириш мамлакат учун бир қатор янги имкониятлар очиб беради, миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади. Мамлакат экспортининг географик таркиби, иқтисодиёт ривожланишига қўйидагилар орқали бевосита ва билвосита таъсир этади:

- Экспортнинг географик кенгайиши ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларга чиқишни англатади, бу эса янги талаб пайдо бўлганининг белгиси. Яъни ишлаб чиқарувчи чегараланган ички бозорга нисбатан кенгроқ минтақавий ёки халқаро бозорда иштирок этади. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради. Натижада маҳсулот кўп миқдорда ишлаб чиқарилиб, иқтисодий назариядан маълум “кўлам самараси”нинг ижобий таъсиридан фойдаланилади. Шунингдек, жалб этилган ишлаб чиқариш воситалари тўла қувватда ишлатилади. Лозим топилса, икки ёки уч сменада ишлар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилади.

- Ишлаб чиқариш кенгайтирилиши, ресурслардан тўлиқ даражада фойдаланиш илмий-техникавий янгиликларни татбиқ этишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжни вужудга келтиради. Бунинг устига ишлаб чиқариш ҳажмининг кенглиги маълум йўналишни ривожлантириш мақсадида қилиниши кўзда тутилган ҳаражатлар самарадорлиги юқори бўлишини таъминлайди. Натижада ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий янгиликлар уйғунлашуви орқали иқтисодиёт янада ривожланади.

Шунингдек, мамлакат экспорт қилаётган товарлар турининг кўп бўлиши халқаро бозордаги таркибий тебранишларга нисбатан иқтисодиётнинг

сезувчанлигини пасайтиради, бу билан халқаро бозорда талаб ва нарх ўзгаришларининг миллий иқтисодиётга салбий таъсирлари юмшатилади. Қайта ишланган маҳсулотларнинг юқори улуши эса экспорт тушумларини кўпайтириши билан бир қаторда, юқори қўшилган қиймат ҳисобига мамлакатнинг соф фойдасини ҳам оширади.

Ташқи савдонинг таркибий хусусиятлари иқтисодиёт соғломлиги, барқарорлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим эканини кўрдик. Айниқса, турли миллий иқтисодиётлар ўртасидаги боғлиқлик кучайиб бораётган ҳозирги даврда бу масаланинг долзарблиги бир неча марта ортиб бормоқда. Бу ҳолатда энг маъқул чора ташқи савдо алоқаларида бир турдаги маҳсулот ёки бир мамлакат ва минтақага боғланиб қолинишини олдини олиш саналади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ташқи савдонинг аҳамияти ва унинг иқтисодиётдаги роли, тараққиёт йўлида объектив зарурат эканлиги кўплаб иқтисодчилар томонидан ўрганилган. Бугунги кунда ҳам ушбу мавзу ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Айнан экспортнинг таркибий хусусиятлари ва унинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигини биринчилардан бўлиб, ўз ишида Пребишь Раул кўриб чиққан [1]. Унинг тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатгички, мамлакатнинг хомашё экспортига ихтисослашуви ушбу мамлакат ва тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутни ошириб боради. Бунинг сабаби жаҳон бозорида юқоридаги икки турдаги маҳсулотларга бўлган нархлар турли суръатларда ўзгаради ва талабнинг барқарорлик даражаси ҳам фарқ қилади.

Шунингдек, экспортнинг товар таркиби ва унинг иқтисодий ўсишдаги бевосита роли Ледерман Д. ва Малоний В. тадқиқотларида ўрганилган [2]. Тадқиқотчилар экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг қайта ишланганлик даражаси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги корреляцион боғлиқликни кўрсатиб берган. Шунингдек, Родрик Д. Хитой экспорти мисолида экспорт товар таркибининг аҳамиятини эмпирик таҳлил қилган [3].

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда қатор олимлар тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бордилар. Жумладан, Аъзам С. ўз ишларида мамлакатимиз ташқи савдосини таркибий такомиллаштириш имкониятлари ва салоҳиятини ўрганиб чиққан [4]. Шу билан бирга, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва ташқи савдо географик таркиби ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб берган [5].

Юқоридаги ишларда мамлакат экспорти таркибининг иқтисодий ўсишга таъсири, иқтисодий ривожланиш даражасининг экспорт товар ва географик таркибида акс этиш хусусиятлари ўрганилган. Қайта ишланганлик даражаси юқори бўлган маҳсулотлар экспорти қўшилган қиймат учун сарф қилинган капитал мамлакатда қолишини, бошқа сўзлар билан айтганда хомашёни тайёр товар кўринишига келтириш жараёнида яратилган бойликлар мамлакат аҳолиси томонидан ўзлаштирилиши товар таркибининг иқтисодий ўсишга таъсири очиб беради. Унинг географик таркибини такомиллаштириш эса барқарор бозор ва юқори тўлов қобилиятига эга мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришни назарда тутди. Бу билан экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида экспортнинг товар ва географик таркиби динамик қаторлар таҳлили ёрдамида ўрганилди, олинган натижалар асосида ривожланишнинг асосий йўналишлари аниқланди. Таққослаш ва солиштириш орқали экспорт товар таркибида юқори улушга эга бўлган товарлар гуруҳи аниқланиб, бу хусусиятнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилди, асосий экспорт тармоқлари ва ҳамкорлар гуруҳлаштирилди. Шунингдек, ишда ташқи савдонинг гравитация моделини қўллаш орқали экспортнинг географик таркибини такомиллаштириш бўйича аниқланган имкониятар борасидаги маълумотлар таҳлили келтирилган.

Таҳлил ва натижалар

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон экспортининг товар таркиби келтирилган бўлиб, таққослаш учун икки давр кўрсаткичлари олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, таркибий ўзгаришлар асосан икки сабабга кўра юз беради:

- алоҳида олинган товарлар гуруҳи экспорт жисмоний ҳажми ёки жаҳон бозорида ушбу товар гуруҳи маҳсулотларига бўлган нархларнинг ўзгариши;
- алоҳида олинган товарлар гуруҳи ўзгаришсиз қолган бир вазиятда бошқа гуруҳ товарлари учун юқоридаги ўзгаришларнинг содир бўлиши ва натижада маҳраж ҳисобланган умумий экспорт ҳажмининг ўзгариши.

Биз қуйидаги жадвални таҳлил қилишда якуний натижаларга асосий эътиборни қаратиб ўтамыз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби тузилиши

	2015 й	Товар таркиби, % да	2019 й	Товар таркиби, % да	2019 йилда 2015 йилга нисбатан % ларда
Жами экспорт	12507,6	100,00	17901,7	100,00	143,1
Пахта толаси	736,1	5,89	281,6	1,57	38,3
Кимё саноати маҳсулотлари	613	4,90	876,9	4,90	143,1
Қора металллар	168	1,34	349,6	1,95	208,1
Рангли металллар	656,2	5,25	951,3	5,31	145
Энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари	2685,2	21,47	2524,9	14,10	94
Машина ва ускуналар	159,3	1,27	451,4	2,52	283,4
Олтин	1920,6	15,36	4918,3	27,47	256,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1316,4	10,52	1517,5	8,48	115,3
Хизматлар экспорти	3061,3	24,48	3560,2	19,89	116,3
Бошқалар	1191,5	9,53	2470	13,80	207,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

1-жадвал маълумотларидан, сўнгги беш йилликда мамлакат экспорти қарийб 5,4 млрд АҚШ долларига ўсиб, 2019 йилда 2015 йилги кўрсаткичга нисбатан 143,1


фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Экспортнинг миқдорий ўзгариши ижобий баҳоланиши мумкин, бироқ ташқи савдо айланмаси мазкур давр оралиғида 1,7 баробар ортганини инobatга олсак, бу ўсиш суръати умумий кўрсаткичдан ортда бораётгани маълум бўлади. Экспорт таркибида 2019 йил натижаларига кўра энг юқори улушга эга бўлган маҳсулотлар гуруҳи қуйидагилар:

- Олтин;
- Хизматлар экспорти;
- Энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари;
- Озиқ-овқат маҳсулотлари.

Ушбу маҳсулотлар умумий улушига мамлакат экспортининг 69,9 фоизи тўғри келмоқда. Ўтган даврда ҳам айнан шу тўрт гуруҳ мамлакат экспортининг 71,8 фоизини ташкил этган. Сўнгги беш йил оралиғида “Олтин” ва “Энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари” гуруҳлари ўрни алмашган. Бунинг сабаби Олтин экспортдан тушум ҳажми 2015-2019 йиллар давомида 256,1 фоизга ўсган бўлса, энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари экспорти 2019 йилда 2015 йил кўрсаткичига нисбатан 94 фоизни ташкил қилган. Халқаро бозорда ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларига эътибор қаратилса, бу ўзгаришлар қандай омиллар ҳисобига юз бергани маълум бўлади. Олтин [8], нефть ва табиий газ [9] нархлари 2015-2019 йиллар давомида мос равишда 120,2 фоиз, 117,1 фоиз ва 97,7 фоизга ўсган. Ўзбекистонда ушбу маҳсулотлар экспорти ўсиш суръатларини мазкур кўрсаткичлар билан солиштирилса, мамлакатимиз олтин экспортининг жисмоний ҳажмини оширганини ҳам кўриш мумкин. Энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари гуруҳининг асосий улуши табиий газ ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу категорияни деярли ўзгаришсиз сақланган деб айтиш мумкин.

Навбатдаги икки йирик гуруҳ, хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти мос равишда 16,3 ва 15,3 фоиз қўшимча ўсишни қайд этган. Озиқ-овқат саноати мамлакатимизда меҳнат ресурслари талаб қилувчи тармоқ бўлишига қарамасдан, унда фойдаланувчи ресурслар қайта тикланишини ҳисобга олган ҳолда, бугунги шароитда ушбу кўрсаткични ижобий баҳолаш мумкин деб ҳисоблайман. Лекин шунга қарамасдан, ҳар икки соҳанинг салоҳияти юқори бўлиб, бу йўналишларни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Қора металллар, машина ва ускуналар экспорти сўнгги беш йилда мос равишда 2 ва 2,8 марта ўсган бўлишига қарамасдан, жами экспортда уларнинг улуши кам бўлгани сабабли (икки гуруҳ умумий экспортнинг 4 фоизини ташкил этмоқда) умумий динамикага сезиларли даражада таъсир кўрсатмаган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз экспортида ҳомашё ва қўшилган қиймати паст бўлган маҳсулотлар улуши юқорилиги сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат етарли даражадаги иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаб бера олмайди. Экспорт ва импортнинг узвий боғлиқлиги ва мамлакат ташқи савдода мусбат сальдога эришиши лозимлигини инobatга олсак, мазкур ҳолат экспорт таркибини такомиллаштириш нақадар долзарб эканини яққол кўрсатиб беради. Ўтган асрнинг 50-йилларида ташқи савдода экспорт қилинувчи хомашё маҳсулотларининг нархи ҳамда импорт қилинаётган тайёр маҳсулотлар нархи ўртасидаги фарқ давр ўтиши билан иккинчисининг фойдасига катталашиб бориши Лотин Америкаси мисолида Раул Пребиш ва унинг ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган [1]. Бу шуни англатадики, мазкур экспорт товар таркиби сақланиб қолиши билан мамлакат ташқи савдо айланмасида манфий сальдо ортиб боради ва бу умумиқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатади.



1-расм. Ўзбекистон экспортнинг географик таркиби

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, экспортнинг географик таркиби ҳам иқтисодий ривожланиш ва хавфсизлик жиҳатидан муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон экспорт ҳамкорлари ичида Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясининг улуши сезиларли даражада юқори ҳисобланади (1-расм). Хитой ва Россия томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг таркибига эътибор қаратилса, юқоридаги муаммо яна бир бор ўз тасдиғини топади.

Мамлакат экспортнинг 14 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келади, ушбу мамлакатга асосан энергия ташувчилар, пахта толаси ва рангли металллар экспорт қилинади [7]. Шунингдек, Россия ҳиссаси ҳам 13,9 фоиз бўлиб, асосан текстиль ва мева-сабзавот маҳсулотлари йўналтирилади [6]. Ўзбекистоннинг энг йирик 10 экспорт ҳамкори бутун экспортнинг 54,9 фоизини қамраб олган. Бу эса экспорт географиясини такомиллаштириш йўналишида ислохотлар, аниқ чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон экспорти ташқи савдонинг гравитацион моделига асосланиб таҳлил қилинганда, МДҲ мамлакатларидан Арманистон (5,4 марта), Молдова (2,1 марта) ва Озарбайжон (1,7 марта) кабиларга экспортни ошириш мумкинлиги аниқланди. Бундан ташқари, Австралия, Норвегия, Финляндия, Швеция, Ирландия, Венгрия, Таиланд, Сингапур, Япония, Шри-Ланка, Малайзия каби мамлакатларга экспорт қилиш салоҳияти жуда юқори эканлиги ҳисоблаб чиқилди [4]. Ҳукумат идоралари ва молиявий институтлар, шунингдек ишлаб чиқарувчилар ушбу йўналишларни ривожлантиришга эътиборни кучайтиришлари лозим.

Бундан ташқари, Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришда бугунги кунда долзарб муаммолардан бири – зарурий ҳужжатлар ва гувоҳномаларни расмийлаштириш ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда

маҳсулот сифатига қўйилган талабнинг юқорилиги, ва сифатни талаб этувчи гувоҳномаларни расмийлаштирида йирик корхоналар ва кичик ишлаб чиқарувчиларнинг имконияти тенг эмас. Шу жиҳатдан кичик корхоналарга маслаҳат ва амалий ёрдам берувчи институтлар, хусусий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, енгил саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган ахборот-консалтинг хизматлари жорий этишга эҳтиёж сезилади. Ушбу ташкилотлар ишлаб чиқарувчилар учун бозор талаблари, хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқа сўзлар билан айтганда, экспорт маркетинги учун оутсорсинг хизмати ташкил этилиши, ва фаолият бошланишида турли рискларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан суғурталаниши лозим. Кичик ишлаб чиқарувчилар учун алоҳида ташқи алоқалар, маркетинг бўлими ташкил этиш молиявий жиҳатдан самарасиз ҳисобланади. Оутсорсинг орқали эса бу харажатларни бир неча ташкилотлар ўртасида тақсимланишига эришилиб, самарадорликни таъминлаш мумкин. Чунки бозорни алоҳида, тизимли шаклда ўрганишни йўлга қўймасдан, экспортни ривожлантириш имконсиздир. Мамлакат экспорт имкониятлари эса микродаражадаги корхона ва ташкилотлар фаолияти йиғиндисидан иборат экани, айти шу даражага ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини англатади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ҳам кенгайтириш ташқи савдони ривожланишини таъминлайди. Айниқса, мамлакатимизда фаолият юритаётган бу каби корхоналар фаолияти таҳлили уларнинг ташқи савдо, жумладан экспортдаги тутган ўрни салмоғли эканини кўрсатмоқда [5]. Буни ҳисобга олган ҳолда, мазкур йўналиш ҳам ташқи савдони таркибий такомиллаштириш стратегиясига киритилиши керак.

Ташқи савдо, хусусан, экспортнинг таркибий такомиллашуви миллий иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда [2], ушбу йўналишда олиб бориладиган чора-тадбирлар пировардида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг фаровон турмушини таъминлаши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хасбулатов Р. Международные экономические отношения в 3 ч. Часть 1, 3-е изд., Москва. Юрайт-2018
2. Lederman D., Maloney W.F. Does What You Export Matter? In Search of Empirical Guidance for Industrial Policies. Latin America Development Forum. Washington, DC, The World Bank, 2012.
3. Rodrik D. What's So Special About China's Exports? China & World Economy, 2006, vol. 14, iss. 5, pp. 1–19. doi: 10.1111/j.1749-124X.2006.00038.
4. Аъзам С.Э. Применение инструментов гравитационного моделирования для оценки потенциала географической диверсификации внешней торговли Узбекистана // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали – 2018. № 2
5. Аъзам С.Э. Внешнеторговая деятельность предприятий с иностранными инвестициями в Узбекистане: вопросы трансформации // Экономический анализ: теория и практика. – 2018. – Т. 17, № 3. – С. 515 – 538
6. <https://russian-trade.com/reports-and-reviews/2019-02/torgovlya-mezhdu-rossiey-i-uzbekistanom-v-2018-g/>
7. <https://tradingeconomics.com/china/imports/uzbekistan>
8. <https://goldprice.org/gold-price-chart.html>
9. <https://www.macrotrends.net>